

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01. 2020.PED.26.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЭШОНҚУЛОВ ШЕРЗОД УММАТОВИЧ**

**ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ МУҲИТИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ЛОЙИҲАЛАШ  
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.06 – Электрон таълим назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ(PHD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2022**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам  
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on pedagogical sciences**

**ЭШОНҚУЛОВ ШЕРЗОД УММАТОВИЧ**

Электрон таълим муҳитида талабаларнинг лойиҳалаш компетентлигини  
ривожлантириш.....3

**ЭШОНҚУЛОВ ШЕРЗОД УММАТОВИЧ**

Развитие дизайнерской компетентности студентов в среде электронного  
обучения .....23

**ESHONQULOV SHERZOD UMMATOVICH**

Developing students' design competence in an e-learning  
environment.....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of publications.....47**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01. 2020.PED.26.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЭШОНҚУЛОВ ШЕРЗОД УММАТОВИЧ**

**ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ МУҲИТИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ЛОЙИҲАЛАШ  
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**13.00.06 – Электрон таълим назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ(PHD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/2935 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz) веб-саҳифасининг ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Исянов Равиль Геннадьевич**  
педагогика фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Карлыбаева Гулжахан Ермекбаевна**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Маматов Дилмурод Нормуротович**  
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Етакчи ташкилот**

**Гулистон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.01. 2020.PED.26.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй.) Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-76-51; e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-76-51.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Б.С.Абдуллаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**Р.М.Медетова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, в.в/б. п.ф.д., доцент

**Н.А.Муслимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда ҳалқаро ташкилотлар ва ривожланган давлатлар томонидан қабул қилинган 2030 йилгача янги таълим концепциясида “Таълим – тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ва барқарор ривожланиш мақсадларга етказувчи муҳим фаолият”, деб эътироф қилинган<sup>1</sup>. Сифатли таълим бериш, талабаларнинг лойиҳалаш компетентлигини юқори даражада ривожлантириш, электрон ахборот-таълим ресурсларини яратиш, таълим жараёнини моделлаштиришнинг истиқболли йўналишларини белгилаш замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини такомиллаштириш бўйича йирик лойиҳаларни амалиётга қўллаш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Жаҳон таълим тизимида электрон таълим муҳитида талабаларнинг лойиҳалаш компетентлигини ривожлантириш, бўлажак мутахассисларнинг замонавий технологик билимларини кенгайтириш, ахборот технологиялари (оптик эффектлар, 3D-таълим заллари) асосида лойиҳалаш фаолиятини ривожлантириш, масофавий таълим шакллари кенг татбиқ этиш, очик таълим ресурслари, аралаш таълим (online/offline) технологияларини ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга бўлажак муҳандисларнинг акмеологик ва аксиологик ёндашувлардан фойдаланиш, лойиҳалаш компетентликни такомиллаштириш, ўзини-ўзи ривожлантиришнинг синергетик имкониятларидан фойдаланиш, интернет-технологияларни қантлаш бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда сўнги йилларда талабаларнинг лойиҳалаш компетентлигини ривожлантириш, хориждаги тенгдошлари билан илм-фан, маданият, тадбиркорлик, спорт ва бошқа соҳаларда фаол мулоқот қилиш, ўз салоҳиятини дунё миқёсида намоён этишининг ҳуқуқий-меъёрий асослари яратилмоқда. “Меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига хос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш”<sup>2</sup> устувор вазифа этиб белгиланди. Натижада техника йўналиши олий таълим муассаларида электрон таълим муҳитида бўлажак муҳандисларнинг лойиҳалаш компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик имкониятлари янада кенгайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947 сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон республикаси олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида” ПФ-5847-сон Фармонлари, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий

<sup>1</sup>Incheon Declaration / Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all. –p.4-5. <http://unesdoc.unesco.org/images/0023/002338/233813m.pdf>.

<sup>2</sup> O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi Farmoni.// O'zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari to'plami. – T., 2017. B.39

таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” қарорлари, шунингдек ушбу диссертация тадқиқоти мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишинингустувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиш доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Электрон таълим муҳитида бўлажак мутахассисларда касбий компетентликни, шу жумладан лойиҳалаш компетентлиги шакллантиришнинг турли жиҳатлари бўйича А.Абдуқодиров, М.Арипов, У.Бегимқулов, Р.Ҳ.Джураев, Ф.М.Закирова, Г.Н.Ибрагимова, З.К.Исмаилова, Р.Г.Исянов, У.И.Иноятов, Н.А.Муслимов, Қ.Т.Олимов, А.Р.Ходжабоев, Ш.С.Шарипов, Ўразова М.Б, О.Тўрақулов, Н.И.Тайлақов, Р.Д.Шодиев, Ш.Э.Қурбоновлар илмий тадқиқотлар олиб борилган.

МДҲ мамлакатларида таълимни ахборотлаштириш, таълим амалиётига ахборот-коммуникацион технологияларни татбиқ этиш муаммолари А.А.Андреев, И.Г.Захарова, Л.Р.Загитова, Л.В.Медведева, Э.В.Майков, Н.И.Наумкин, Е.С.Полат, И.В.Роберт, М.В.Солодихина, А.В.Тараканов, А.В.Хуторской, Л.Х.Чомаева, В.А.Шершневалар томонидан атрофлича тадқиқ қилинган.

Хорижий мамлакатлар олимларидан В.Andresen, M.Burns, U.Mangal, M.Henderson, G.Romeo, C.Ramesh, F.Raymond, M.Rosenberg, S.Mishra, T.Muras, T.Vaughan, W.N.Chambers, E.L.Cowen, E.Johnson, J.M.Spector, J.Locard, D.Kegan, G.Kulanthaivel ва бошқалар томонидан илмий изланишлар олиб борган.

**Тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғликлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-1-23 рақамли «Бошланғич синф ўқитувчилари учун мультимедиали дарс ишланмалари мажмуасини яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган (2015-2017 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** электрон таълим муҳитида бўлажак муҳандисларнинг лойиҳалаш компетентлигини ривожлантириш методикаси такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

олий таълим муассасаларида бўлажак муҳандисларнинг лойиҳалаш фаолиятга тайёрлашнинг педагогик ва психологик имкониятларини таҳлил этиш;

бўлажак муҳандисларнинг лойиҳалаш компетентлигини ривожлантириш технологияларини такомиллаштириш;

электрон таълим муҳитида бўлажак муҳандисларда лойиҳалаш компетентлигини ривожлантириш моделини такомиллаштириш;

электрон таълим муҳитида бўлажак муҳандисларда лойиҳалаш компетентлигини ривожлантиришни муаммоли-модулли ва фреймли технологиялардан фойдаланиш орқали амалга ошириш методикасини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти сифатида** электрон таълим муҳитида талабаларнинг лойиҳалаш компетентлигини ривожлантириш жараёни бўлиб, Самарқад архитектура қурилиш институти, Тошкент архитектура-қурилиш институтлари ва Жиззах политехника институтнинг 275 нафар талабаси иштирок этган.

**Тадқиқотнинг предмети** электрон таълим муҳитида талабаларнинг лойиҳалаш компетентлигини ривожлантиришнинг шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Илмий адабиётларни тадқиқот муаммоси нуқтаи назаридан тизимли ўрганиш; олий таълим давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режа ва дастурларни танқидий таҳлил қилиш; умумқасбий фанлар бўйича илмий–методик манбаларнинг қиёсий таҳлили; таълим-тарбия жараёнини кузатиш, анкета-сўровномалар ўтказиш, суҳбат, тажриба-синов ишларини амалга ошириш ҳамда олинган натижаларга математик-статистик ишлов бериш методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

бўлажак муҳандисларнинг лойиҳалаш компетентлиги очиқ ҳамда интерфаол мулоқотни таъминловчи электрон таълим муҳитининг таркибий-функционал, контентли, технологик ва коммуникацион компонентларига булутли технологияларни қўллаш, вариацион ҳамда хусусийликдан умумийликка мослаштирилган индивидуал топшириқлар киритиш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак муҳандисларни лойиҳалаш фаолиятига тайёргарлигини такомиллаштириш ёши, шахсий хусусиятлари, бошланғич тайёргарлик даражаси, лойиҳалаш компетентлигини шакллантириш жараёнини индивидуаллаштиришга имкон берувчи фасилитацион таъсир траекторияси ўзгарган шароитларига адаптив мослаштириш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак муҳандисларнинг лойиҳалаш компетентлиги муаммоли-модулли ва фреймли педагогик технологиялар, эҳтиёжлар, қизиқиш, мақсад-мотивациялар, кооперация, коллаборация ва рефлексия конструктивлиги даражасини аниқлаш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак муҳандисларнинг лойиҳалаш компетентлиги фанлараро горизонтал ва вертикал интеграцион ташкилий-бошқарув ва педагогик касбий фаолият турларига тайёрлаш методикаси тренаж тайёргарликда инновацион таълим технологияларини қўллаш ва дидактик мобил иловаларига иерархик уйғунлаштириш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

бўлажак муҳандисларда лойиҳалаш компетентлигини ривожлантиришга қаратилган Autocad дастурлари асосида “Қурилишда ахборот техно-логиялари” фанидан электрон таълим ресурслари яратилган;

бўлажак муҳандисларнинг лойиҳалаш қобилиятини ва ҳаракатларни ривожлантиришга ва касбий масалаларни ечишга қаратилган “ қурилишда касбий масалаларни ечишда фрейм технологиясидан фойдаланиш “ўқув-услубий қўлланма чоп этилган;

техника йўналишидаги олий таълим муассасалари талабаларининг лойиҳалаш компетентлигини ривожлантиришга имкон берувчи “Қурилишда ахборот технологиялари” фанидан дарслик чоп этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги хорижий ҳамда ОАК рўйхатидаги илмий журналларда чоп этилган мақолалар, халқаро ва республика миқёсидаги илмий конференция материаллари, илмий-методик тақлифларнинг амалиётда татбиқ этилгани; тадқиқот вазифаларига мос тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; олинган натижаларнинг математик-статистик қайта ишлов берилганлиги ва ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бўлажак муҳандисларнинг лойиҳалаш компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган электрон таълим муҳитига таъсир кўрсатувчи методик шарт-шароитларнинг аниқланганлиги; лойиҳалаш компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган жараённинг ташкилий-педагогик тузилмасининг ишлаб чиқилганлиги; лойиҳалаш компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган замонавий дастурий воситаларнинг мавжудлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бўлажак муҳандисларнинг лойиҳалаш компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган электрон таълим муҳити модели ишлаб чиқилганлиги, ундан амалиётда фойдаланиш; лойиҳалаш компетентлигини ривожлантиришда муаммоли ва фреймли таълим технологиялардан фойдаланиш методикасининг шакллантирилганлиги ва улардан бўлажак муҳандисларни тайёрлаш жараёнида татбиқ этилиши ҳамда малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Электрон таълим муҳитида бўлажак муҳандисларнинг лойиҳалаш компетентлигини ривожлантириш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

бўлажак муҳандисларнинг лойиҳалаш компетентлиги очик ҳамда интерфаол мулоқотни таъминловчи электрон таълим муҳитининг таркибий-функционал, контентли, технологик ва коммуникацион компонентларига булутли технологияларни қўллаш, вариацион ҳамда хусусийликдан умумий-ликка мослаштирилган индивидуал топшириқлар киритиш асосида такомиллаштиришга оид тақлифлар асосида “Қурилишда ахборот технологиялари” номли дарслик ишлаб чиқилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418-сон буйруғи билан берилган 418-366-сонли наشر



рухсатномаси). Натижада, бўлажак муҳандисларни касбий фаолиятга тайёр-лаш, талабалар лойиҳалаш компетентлигини ривожлантириш имконини яратган;

бўлажак муҳандисларни лойиҳалаш фаолиятига тайёргарлигини такомиллаштириш ёши, шахсий хусусиятлари, бошланғич тайёргарлик даражаси, лойиҳалаш компетентлигини шакллантириш жараёнини индивидуаллаштиришга шароит яратиб берувчи фасилитацион таъсир траекторияси ўзгарган шароитларига адаптив мослаштириш асосида такомиллаштиришга оид тавсиялар оид таклифлар ПЗ-2017927124-рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик педагогикаси асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” номли амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 28 сентябрдаги 02-07-2637-сон маълумотномаси). Натижада олий таълим тизи-мида бўлажак муҳандисларнинг лойиҳалаш компетентлигини ривожлантиришни амалга оширишнинг методик шарт-шароитларини аниқлаш имкони оширилган;

бўлажак муҳандисларнинг лойиҳалаш компетентлиги фанлараро горизонтал ва вертикал интеграцион ташкилий-бошқарув ва педагогик касбий фаолият турларига тайёрлаш методикаси тренаж тайёргарликда инновацион таълим технологияларини қўллаш ва дидактик мобил иловаларига иерархик уйғунлаштириш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар асосида “Қурилишда ахборот технологиялари” номли дарслик ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418-сон буйруғи билан берилган 418-366-сонли нашр рухсатномаси). Натижада, бўлажак муҳандисларда лойиҳалаш компетентлигини ривожлантиришни муаммоли-модулли ва фреймли технологиялардан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та халқаро, 2 та республика илмий–амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси юзасидан жами 25 та илмий-услубий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 136 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий–амалий аҳамияти очиқ берилган, уларни амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва тузилмаси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Бўлажак муҳандисларнинг лойихалаш компетентлигини электрон таълим муҳитида ривожлантиришнинг назарий таҳлили**” деб номланиб, унда электрон таълим муҳитида бўлажак муҳандислар касбий тайёргарлигини амалга оширишнинг назарий таҳлили, бўлажак муҳандисларни тайёрлаш жараёнида электрон таълим муҳитидан фойдаланишнинг ўрни ва аҳамияти келтирилган ҳамда электрон таълим муҳитининг педагогик имконияти бўлажак муҳандисларни лойихалаш компетентлигини ривожлантириш омили сифатида тадқиқ этилган.

Олий таълим муассасасида бўлажак муҳандисларни умумкасбий фанлар асосида касбий фаолиятга тайёрлашнинг маъновли тавсифлари, электрон таълим муҳити таркиби, ўзига хослиги бизга қуйидаги хулосани чиқариш имконини берди: электрон таълим муҳити шароитида бўлажак муҳандисларда лойихалаш компетентлигини ривожлантиришда муаммоли-модулли ва фрейм таълим технологияларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ саналади.

Маълумки, жамият ривожининг ҳар бир босқичида мутахассис сифатида маълум бир талаблари мос келади. Улар ичига биринчидан, аниқ бир ихтисосликдаги мутахассисларни тайёрлаш билан белгиланган ўзига хос сифатлар, иккинчидан, исталган ихтисосликдаги муҳандисларда ривожланган бўлиши керак бўлган сифатлар киради. Уларсиз касбий вазифаларини ривожланишнинг у ёки бу босқичида муваффақиятли бажариш мумкин эмас. Бунинг учун, олий таълим муассасалари бўлажак муҳандисларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган малака талабларда кўрсатилган “ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш усуллари эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорларни қабул қила олиши” кўникмаларини талабаларда шакллантириш учун электрон таълим муҳитининг функционал имкониятлари кўриб чиқилди.

Ишлаб чиқариш соҳаси муҳандисининг касб хусусиятларини намоён қилиш учун асос бўлиб муҳандислик фаолиятининг ўзига хос хусусияти тўғрисидаги умумий тасаввур хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан, бўлажак муҳандисларни замонавий таълим шароитларида касбий фаолиятга тайёрлаш катта аҳамият касб этади. Бу эса, электрон таълим муҳитида ўқитиш жараёнини бажариш учун педагогик технологияларни танлаш масаласи муҳим аҳамиятга эга.

Электрон таълим деганда маълумотлар базасида мавжуд бўлган ва таълим дастурларини амалга ошириш чоғида фойдаланиладиган ахборот, унга ишлов беришни таъминловчи информацион технологиялар, техник воситалар, шунингдек, тегишли ахборотни алоқа линиялари бўйлаб узатишни, таҳсил олувчилар ва педагогик ходимлар ўзаро ҳамкорлигини таъминловчи информацион-телекоммуникацион тармоқлардан фойдаланиш орқали ташкил этиладиган жараён тушунилади.

Электрон таълим муҳити –бу ўзаро алоқадор контентли, коммуникаци-он, педагогик компонентлар тизими. Бу тизими талабаларнинг таълим дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқитиш жараёни субъектлари ўзаро ҳаракати-да ташкилий-рағбатлантирувчи, информатив таҳсил берувчи, диагностик таҳрирловчи ва коммуникатив бошқарувчи функцияларни таъминлайди. Электрон

таълим муҳити таркибий, кўп каналлилик, мультимедийлик, мослашув-чанлик, очиклик, технологик, компенсаторлик, масофавийлик сифатларига эга.

Диссертацияда электрон таълим муҳити муҳандис-техник кадрларни ихтисослик фанлари асосида тайёрлаш жараёнини такомиллаштиришнинг муҳим омили сифатида қаралган. Таълим йўналишига эга муҳитда интерфаоллик субъектларнинг таълим мақсадларига етиш учун муҳит элементлари билан ўзаро таъсирлашуви имконияти билан тавсифланган. Интерфаоллик даражаси нуқтаи назаридан қаралганда компьютер таълим муҳити электрон таълим муҳитининг қисми сифатида эътироф этилган.

Электрон таълим муҳитини эса ахборотлашган таълим муҳитининг синоними сифатида фойдаланувчиларнинг таълимий манбаларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида ташкил қилинадиган замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган, мутахассисликка тайёрлаш жараёнининг шахсий компьютерлар, телекоммуникация, методик таъминот ва ташкилий муҳити сифатида таърифлаш мумкин.



### 1-расм. Электрон таълим муҳитини ташкил этувчилар.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, бўлажак муҳандисни лойиҳалаш фаолиятига тайёрлаш янги, талабанинг ўқув-билув фаолиятидан мутахассиснинг касбий фаолиятига ўтишни таъминлаш А.А.Вербицкий, ахборотни жадвал, матрицалар кўринишида тизимлаштириш имконини берадиган фреймли ўқитиш М.Н.Минский, ўқитишнинг замонавий: бўлажак муҳандисни касб чўққилари томон ўзини ўзи ҳаракатлантиришга йўналтирилган акмеологик Н.В.Кузьмина, педагогик жараёни ва унинг субъектлари билан ўзаро таъсирни ўрганадиган аксиологик В.А.Сластёнин ёндашувлардан фойдаланилганда ўз ижобий ечимини топади.

Электрон муҳитнинг, юқори даражадаги кўриниши ва коммуникацияларнинг алоҳида усуллари туфайли электрон таълим муҳитида видео дарслар, мультимедияли дарслар, вебинарлар (веб-практикумлар), веб-анжуманлар, чатли-машғулотларни, вазиятнинг-тахлилий форумлари, виртуал устахона-ларда, виртуал экскурсиялар ўтказишга имкон бўлади.

Фан ва технология ривожининг ҳозирги миқёси, шунингдек, халқаро таълим маконининг очиклик, оммавийлик, индивидуаллик, мобилликка мўлжал олиши, таълим соҳасида мультимедиа воситаларида фойдаланишга ўтиш таълим йўналишига эга янги муҳит тури – электрон таълим муҳитининг бир кўриниши бўлган - таълим муҳитини яратиш вазифасини олға сурмоқда. Бу факт Long Life Learning (бутун ҳаёти давомида таҳсил олиш) таълим парадигмаси шароитида муҳимлик касб этади. Шу сабабли машғулотлар ўтиш жараёнида хар-хил таҳсил (blended-learning) кенг йўл очилди.

Диссертацияда электрон таълим муҳитини технологик тавсифлари, субъектлар ўртасида мулоқот, ўқитиш контентини яратиш имкониятлари ҳамда электрон таълим муҳити технологик блоки таркибида инструментал, коммуникацион ва педагогик технологияларидан ташкил топганлиги ёритилган.

Таъриф берилган тушунча бир маъноли бўлмасда, кўпчилик муаллифлар бир фикрдалигига эътибор қаратадиган бўлсак, унга кўра, бу тушунча маъно жиҳатидан “таълим муҳити” атамасидан кўра анча тор қамровга эга. Шу билан бирга аксарият ҳолларда эса “таҳсил муҳити” ва “ўқув муҳити” тушунчалари маъно жиҳатидан бир-бирига тенг деб олинади ва синоним сўзлар дея қаралади. Ўқув муҳитини ташкил этиш жараёни J. Biggs томонидан олий таълим муассасасидамуваффақиятли ўқитишнинг энг муҳим шартларидан бири сифатида тадқиқ қилинади. Ўқув муҳитининг функционал вазифаси шундан иборатки, у аудитория ҳудудидан ташқарида интерфаол ўзаро таъсирлашувни ташкил этиш чоғида субъектлар ўқув-билиш фаолиятини янада фаоллаштириш имконини беради.

Диссертацияда лойиҳалаш муаммосига бағишланган ишларнинг назарий таҳлили асосида лойиҳалаш фаолиятини «билим» – «билим + тажриба» – «билим + тажриба + мустақиллик» каби уч босқичда кечадиган, бўлажак муҳандислар индивидуаллиги ва ўз-ўзини касбий такомиллаштиришга тайёрлигининг намоён бўлишини таъминлайдиган лойиҳалаш кўникмалари ва компетенциялар мажмуининг юқори даражада эгаллаганлик сифатидаги таърифи шакллантирилган.

Диссертациянинг **“Бўлажак муҳандисларни лойиҳалаш компетентлигини ривожлантиришда электрон таълим муҳитидан фойдаланиш методикаси”** деб номланган иккинчи бобда бўлажак муҳандисларнинг лойиҳалаш компетентлигини ривожлантиришда умумкасбий ва ихтисослик фанларининг мазмуни ва аҳамияти, лойиҳалаш компетентликни ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар, бўлажак муҳандисларнинг лойиҳалаш компетентлигини ривожлантириш методикаси ва модели, лойиҳалаш компетентлигини ривожлантирувчи эвристик методлар, электрон таълим ресурсларидан фойдаланиб амалий машғулотларни ташкил этиш би-лан боғлиқ масалалар ёритилган.

**1-жадвал.**

**Таълим муҳитларининг типологияси**

Сифат белгиси	Турлари
---------------	---------

Қулайлиги	Мамлакат миқёсидаги таълим муҳити
	Минтақа миқёсидаги таълим муҳити
	Таълим муассаси таълим муҳити
	Машғулотлар бўйича таълим муҳити
Ташкил қилиш методлари	Тамойиллар бўйича ташкил қилинган муҳит
	Ҳар-хил йўналишлар бўйича ҳосил бўлган муҳитлар
	Аниқ тамойили муҳити
Фикрни жамлаш, таълим соҳасининг ўзаро таъсирлашуви	Фикрни жамлаш йўналтирилган муҳитлар
	Фикрларни алоҳида ўзлаштиришга йўналтирилган муҳитлар
	Муҳит аралаш турлари
компьютердан таълим воситаси сифатида фойдаланиш	Ахборот-таълим муҳити
	Электрон ахборот-таълим муҳити
	Адаптив таълим муҳити
	Электрон таълим муҳити
	Мультимедияли таълим муҳити
	Виртуал таълим муҳити
	Очиқ таълим муҳити

Тадқиқотда таклиф қилинаётган интернет-технологиянинг назарий ва амалий аҳамияти ва янгилиги унда тизимли квантлаш, муаммолилик ва модуллилик тамойиллари бутунча, уйғун бирликда қабул қилинади. “Интернет-технология мақсад компонентини, етакчи тамойилларни, таълим мазмунини лойиҳалаштиришнинг махсус методларини, топшириқлар ва машқлар тизимини, дидактик материалларни тузишни, ўқишдаги натижаларни назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтингли тизимини ўз ичига олади.

Бўлажак муҳандисларни касбий тайёрлашда модулли технологиянинг аҳамияти шундан иборатки, ўрганилаётган материал таркибий мустақил блок мисолида намоён бўлади. Бу математика ва ихтисослик фанларини ўрганиш пайтида жуда муҳим, чунки, у янгиланган ахборотни тезкор киритиш, фанлар ўртасидаги алоқани амалга ошириш, материални ўрганиш даврийлигини танлаш, талабларнинг мустақил ишлашини самарали ташкил этиш имкониятини беради. Ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланган ҳолда дастурланган таълим технологияси, янги материалнинг босқичма-босқич ўрганилишини, талабалар индивидуал ишлаш суръатини, тезкор акс алоқани амалга оширилишини таъминлайди.


Бўлажак муҳандисни лойиҳалаш фаолиятига тайёрлаш моделида муаммоли-модулли ёндашув асосида муаммоли вазият таҳлили муаммони қўйиш етишмаётган ахборотни излаш ва фаразларни илгари суриш фаразларни текшириш ва янги билим олиш муаммони вазифаларга ўтказиш ҳал қилиш усулини излаш ва текшириш амалга оширилди. Муаммоли-модулли ёндашувда талабанинг билиш фаолияти мазмунли, қизиқарли ва самарали кечади. Талаба

ишнинг барча босқичларида лойиҳалаш тафаккурини ишга солишни талаб қиладиган тадқиқотчилик ҳолатида бўлади. Диссертацияда назарий материални англаш ва уни амалиё тда қўллашга йўналтирилган компетентлик; лойиҳалаш услубини англашга кўмаклашадиган проективлик; ўз-ўзини билиш ва ўз-ўзини таҳлил қилиш, ўзи ва ҳамкорликдаги фаолият ҳақида бошқаларнинг тасаввурларини аниқлашдан иборат рефлексивлик; касбий-лойиҳалаш фаолиятининг ташкилий ва шахсий омиллари бирлигини таъминлаш имконини берадиган динамиклик; технологик лойиҳалашнинг муқобил кўчиришни амалга оширадиган интегративлик; бўлажак муҳандисга ўз лойиҳасини амалда қўллаш имконини берадиган, шу жараёнда унинг шахсий хусусиятлари намоён бўладиган индивидуаллик; лойиҳалаш жараёнини ҳамма вақт фаолиятнинг мақсадга мувофиқ моделлари педагогик имкониятлари ёритилган.

Бўлажак муҳандислар да лойиҳалаш компетентликни ривожлантириш-да ўз-ўзини ривожлантириш, мустақил таълимни амалга ошира олиш, ўз-ўзини баҳолаш катта аҳамиятга эга ва бунда фреймли (“frame” ) Интернет таълим технологиясини қўллаш мақсадга мувофиқ. **Frame деб** дидактикада назарий ва амалий материали “зичлаштириладиган”, яъни чизмалар, расмлар, йирик блокли таянчлар ва бошқалар кўринишида ифодалаш мумкин бўлган ҳамда ўқув жараёнида асосий ахборот материали сифатида ишлатиладиган ўқув фанлари учун ўқув материални (концептни) ва ўқув вақтини ташкил қилиш методига айтилади.

Бу фреймда ўқув материалнинг рамка, моҳият синчлаш ёки оддий тузилмаси кўринишида намоён бўлиб, унга кейинги ҳамма мавзуларни, бўлимларни кўрсатиш мумкин.

Бунда иерархик тузилма ҳосил бўлашини кўришимиз мумкин. Фрейм одатда таснифловчи иерархик тузилмаси бўлган умумий тушунча тасаввурига тўғри келишини кўришимиз мумкин. Бундай тузилманинг ўзига хослиги шундаки, юқори даражадаги фрейм эга бўлган аломатлар ҳақидаги ахборот уларга алоқадор қуйи даража фрейм ларининг ҳаммаси томонидан биргаликда амалга оширади. Ушбу тузилма катта ҳажмдаги ахборотни тизимга солишга имкон берибгина қолмай, уни инсон учун имкони борича қулай шароитда ўтказди. Ҳар бир фрейм турли хил ахборот билан, масалан, ушбу фрейм ни ишлатиш методлари ахбороти, унда бажариш зарур бўлган ҳаракатлар ва бошқалар билан тўлдирилишини кўзда тутди. Ҳар қандай фрейм аниқ мазмун ёки маълумотлар билан тўлдирилиши шарт бўлган слотлардан таркиб топганлигини кўришимиз мумкин. Битта тизимда фрейм лар бир хил слотларга эга бўлади, бу эса ушбу фрейм ларда мавжуд бўлган маълумотлар ўртасида алоқаларни ўрнатиш керак. Фреймлар ёрдамида ўқув ахборотини структуралашга таққослаш жараёни, яъни слот танланишининг тўғрилиги текшириладиган жараён ҳисобланади. Бошқача талқинда, фрейм слотнинг аҳамиятини чекловчи шартларга эга бўлади.




**2-расм. Фрейм орқали ташкил этиладиган ўқув материалининг тузилмаси**

Танқидий фикрлашнинг ўқув жараёнига мунтазам равишда киритилиши ўрганилаётган материалнинг нафақат янада чуқурроқ ва ҳар томонлама англанишига олиб келиши лозим. Педагоглар ва психологлар тафаккур ва билиш фаолиятининг шундай ўзига хос тарзини шакллантиришга тобора кўпроқ эътибор бермоқдаларки, бунда “талабалар кишиларнинг фикр-мулоҳазалари бир-бирига тўғри келмаслигини ўз-ўзидан маълум ҳолат сифатида қабул қилишлари ҳамда бу ҳолатга одамларнинг ранжитувчи камчилигига қарагандек эмас, балки билиш учун имконият сифатида қарашлари мумкин бўлади. Улар бошқалардан, ҳатто уларнинг эътирозларидан, идрок қилишдаги фарқларидан, фарқ қилувчи фикрлаш тарзидан ўргана оладилар”.

Бўлажак муҳандисларнинг лойиҳалаш компетентлигини ривожлантириш мақсади (иш берувчи талабларига мос келувчи рақобатбардошли муҳандис, бўлажак муҳандиснинг лойиҳалаш фаолиятга тайёргариги), мазмун (умумкасбий ва ихтисослик фанларини интегратив мазмунини асосида касбий компетентликни ривожлантириш босқичлари, касбий компетентликни ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар ва муҳим шахсий сифатларни аниқлаш, педагогик жараён (таълим методи, таълим шакли, таълим воситасини аниқлаш ва ишлаб чиқиш), натижа бўлажак муҳандисларнинг лойиҳалаш компетентлигини ривожланиш даражасини аниқлаш орқали педагогик амалиётга жорий этилди.

Фан ва технологиялар ривожининг ҳозирги миқёси, шунингдек, халқаро таълим маконининг очиқлик, оммавийлик, индивидуаллик, мобилликка мослашуви, таълим соҳасида мультимедиа воситаларида фойдаланишга ўтиш таълим йўналишига оид янги муҳит тури –электрон таълим муҳитининг бир кўриниши бўлган -таълим муҳитини яратиш вазифасини олға сурмоқда. Бу эса, Long Life Learning (бутун ҳаёти давомида таҳсил олиш) таълим парадигмаси шароитида муҳимлик касб этади.




**3-расм Муаммоли-модулли ўқитиш технологиясининг блокли тузилмаси**

Унинг доирасида аралаш таҳсил (blended-learning) кенг оммалашди. Бу таҳсил тури ўқитувчи ва талабаларнинг кундузги ва масофавий (узоқдан туриб) ўзаро бирга мулоқотга киришиш шаклини оптимал уйғунлаштиришни назарда тутди.

Ҳозирги вақтда таълим тизимида ўқитувчининг талаба билан турли техник воситалар, интернет-ресурслар асосида ишлашининг турли шакллари ажратиб кўрсатилади. Discovery Learning –муаммоли вазиятларни ҳал этиш йўли билан таҳсил олишни бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Бунда талаба ўз шахсий тажрибаси ва фундаментал билимларига таяниб, ўзини ўраб турган воқелик билан муносабатга киришади. Талаба мазкур муҳитни тадқиқ қилади, саволларга жавоб излайди, тажриба-синов ишларини ўтказди.

Self-Directed Learning – талабанинг ўзи томонидан ўқитувчининг иштирокисиз олдиндан танланган, ишлаб чиқилган ва амалга ошириладиган лойиҳа асосида, мустақил ишлашининг айтиб ўтилган шакллари электрон таълим муҳи-тида ҳам рўёбга чиқарилиши мумкин. Муҳитнинг айрим сифатлари яъни очик-лик, мультимедиалик бунга кенг йўл очиб беради.





**4-расм. Техника йўналиш олий таълим муассасарида бўлажак муҳандислар лойиҳалаш компетентлигини ривожлантириш модели.**

Шундай қилиб, тақдим этилган бўлажак муҳандисларни лойиҳалаш фаолиятига тайёрлаш модели бўлажак муҳандисларни лойиҳалаш фаолиятига тайёрлаш соҳасида методологик ёндашувлар, педагогик шартлар ва ўзига хос тамойилларни; талабаларни лойиҳалаш фаолиятига тайёрлашнинг муаммоли-модулли ва мақсадли ёндашувларни янги технологиялар билан интеграциялайдиган, талабаларнинг олий таълим муассасасида ўқишининг ҳар бир даври хусусият-ларидан бўлажак педагог томонидан педагогик туркум фанларни ўқиш давоми-да тўпланган педагогик тажриба ва лойиҳалаш компетентлигини ривожлантириш воситасида келиб чиқадиган технологиясини шакллантиришга йўналтирилди.

Диссертациянинг **“Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил қилиш ва унинг натижалари”** деб номланган учинчи бобда бўлажак муҳандисларда электрон таълим муҳитида лойиҳалаш компетентлиги ривожлантириш бўйича тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш, тажриба-синов ишлари натижаларининг математик статистик таҳлили келтирилган тажриба-синов ишлари натижалари қайд этилган.

Тадқиқот даврида фаолият олиб бораётган ўқитувчилар, шу жумладан олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган бўлажак муҳандисларнинг лойиҳалаш фаолиятга тайёрлаш жараёнининг назарий асосларига таянган ҳолда тажриба-синов ишларини ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Тажриба-синов иши 2017–2021 йиллари давомида уч босқичда олиб борилиб, Тажриба-синов ишида Самарқанд архитектура қурилиш институти, Тошкент архитектура-қурилиш институтлари ва Жиззах политехника институт мисолида 275 нафар (тажриба 138 ва назорат гуруҳида 137 нафар), талабалар қатнашди.

Тадқиқотимизни тажриба-синов иши орқали текшириб кўришни амалга ошириш учун тажриба-синов гуруҳи ва назорат гуруҳлари шакллантирилди. Тажриба-синовни амалга оширишнинг ҳар бир босқичида, яъни қайд этувчи, шакллантирувчи ва натижавий босқичларига мос равишда дастлабки, жорий ва якуний ташҳислаш ишларини олиб бордик. Унда қуйидаги методлардан фойдаланилди: таълим жараёнининг боришини кузатиш, суҳбат, анкета сўровномаси, умумлаштириш ва олинган маълумотларнинг қиёсий таҳлили, тажриба-синов ишлари натижаларини Фишернинг статистик мезонларини татбиқ этган ҳолда сифат ва миқдорий таҳлили.

Тажриба-синов тайёрлов ишлари, қайд қилувчи, шакллантирувчи ва умумлаштирувчи босқичларда амалга оширилди. Тажриба-синовнинг барча босқичлари ўз ташкилий шаклига эга бўлди (маъруза, семинар, амалий машғулотлари) ва ўқитишнинг ноанъанавий шакли - фрейм, контекстуал каби янги педагогик технологияларни ўз ичига олган машғулот-концепт амалга оширилди. Тажриба-синовнинг ҳар бир босқичи якунида талабаларнинг лойиҳалаш кўникмаларининг даражаси уларни шакллантириш изчиллигига мувофиқ тобора юқорига кўтарилди.

Тажриба-синов жараёнида қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратилди: электрон таълим муҳитида “Қурилишда ахборот технологиялари” фанининг

такомиллаштирилган методик таъминоти мазмуни фаннинг ўқув дастури талабларига мослиги, такомиллаштирилган методик таъминотдаги маъруза, амалий машғулотларининг илмий-услубий жиҳатлари, такомиллаштирилган методик таъминотдаги маъруза, амалий машғулотларининг талабалар томонидан ўзлаштириш даражалари, электрон таълим муҳитида амалий ва лаборатория топшириқларини бажаришда методик қўлланмадан фойдаланишнинг афзаллиги, талабаларнинг билим олиши ва ўз ўзини баҳолаш учун яратилган электрон ахборот-таълим ресурсини ўқув жараёнига жорий қилиш, тажриба-синов гуруҳлари учун тайёрланган ўқув материалларини ўзлаштириш назорат гуруҳларига нисбатан талабаларда қизиқишнинг ортиб бориши, тажриба-синов гуруҳлари учун тайёрланган амалий ва лаборатория машғулотларини бажариш натижасида талабаларнинг касбий фаолиятига оид муаммоларни ечиш малакасининг ошиши, фанга бўлган қизиқишининг кучайиши ва уларнинг касбий мустақил фикрлашининг ривожланиши миқдор ва сифат кўрсаткичлари қиёсий таҳлил қилинган.

Танланган тажриба гуруҳларида яратилган электрон ахборот-таълим ресурси ва такомиллаштирилган методик таъминот асосида, назорат гуруҳида эса анъанавий методика асосида машғулотлар ташкил қилинди. Бўлажак муҳандисларнинг электрон таълим муҳитида лойиҳалаш компетентлигини ривожланганлигини аниқлашда қуйидаги келтирилган мезон ва кўрсаткичлардан фойдаланилди .

Тажриба-синов ишлари олиб борилган барча олий таълим муассасаларидаги якуний босқичдаги назорат ва тажриба гуруҳларидаги умулашган натижалар 2-жадвалда ва унинг диаграммаси 5-расмда келтирилган.


## 2- жадвал

### Тажриба-синов ўтказилган барча олий таълим муассасалари бўйича умумий натижалар

ОТМ номлари	Кўрсаткичи	Тажриба-синов гуруҳлари				Назорат гуруҳлари			
		Тажриба бошида талаба сони	%	Тажриба охирида талаба сони	%	Тажриба бошида талаба сони	%	Тажриба охирида талаба сони	%
Барча ОТМлар бўйича умумий натижалар	юқори	26	9,77	59	22,18	25	9,84	28	11,02
	ўрта	67	25,19	136	51,13	62	24,41	66	25,98
	паст	173	65,0	71	26,7	167	65,7	160	63,0

Диссертацияда кузатишлар, таҳлиллар, назорат ишларининг натижалари, ўқитувчи ва талабалар билан ўтказилган суҳбатлар натижасида “Қурилишда ахборот технологиялари” фанидан маъруза, амалий машғулотларини педагогик

ва услубий жихатдан асосланган электрон ахборот-таълим ресурсидан фойдаланиб ташкил қилинган электрон ахборот таълим муҳитида талабаларнинг лойиҳалаш компетентлигининг ривожланиш даражаси кескин ошиши мумкин, деган хулосага келинган.



**5-расм. Электрон ахборот таълим муҳитида талабаларнинг лойиҳалаш компетентлигининг ривожланиш даражаси диаграммаси**

Ушбу кўрсаткичларга асосланган ҳолда бўлажак муҳандисларнинг электрон ахборот таълим муҳитида лойиҳалаш компетентлиги ривожланишини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов натижалари тўғрисида тажриба ва назорат гуруҳидаги ўртача ўзлаштиришларини Стъудент математик-статистика методи ёрдамида таҳлил этилди.

**3- жадвал**

**Бўлажак муҳандисларнинг лойиҳалаш компетентлигини ривожлантириш методикаси самарадорлигини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадорлиги статистик таҳлили**

№	Кўрсаткичлар	Тажриба гуруҳи		Назорат гуруҳи	
		Тажриба бошида	Тажриба охирида	Тажриба бошида	Тажриба охирида
1	Урта арифметик қиймат ( $x, y$ )	3,45	3,95	3,44	3,48
2	Самарадор кўрсаткичлари $\eta$	1,14		1,00	
3	Ўрта қиймат ишонч оралиги $a_x, a_y$	[3,37; 3,87]	[3,53; 4,04]	[3,36; 3,52]	[3,40; 3,56]
4	Ўрта қиймат стандарт хатолиги ( $S_x, S_y$ )	0,67	0,7	0,67	0,69
5	Аниқланиш кўрсаткичлари ( $C_x, C_y$ )	1,2	1,1	1,2	1,2
6	Стъудента статистикалари (Т)	7,82		0,11	
7	Кўрсаткичлар хулосалари	Н <sub>1</sub> гипотеза қабул қилинади.		Н <sub>0</sub> гипотеза қабул қилинади.	

Демак, бўлажак муҳандисларнинг лойиҳалаш компетентлигини ривожлантириш методикаси самарадорлигини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадорлиги статистик таҳлилдан маълум бўлдики, барча олий таълим муассасасида тажриба-синов ишлари ниҳоясида, тажриба гуруҳидаги ўқувчиларнинг билим даражаси назорат гуруҳига нисбатан 1,14(14%) юқори кўрсаткичга эга бўлди. Бу эса олиб борилган тадқиқот ишининг самарадор эканлигини кўрсатади

## ХУЛОСАЛАР

1. Диссертацион тадқиқотда педагогик фаолиятда лойиҳалаштириш-нинг назарий қоидалари, лойиҳалаштириш педагогик лойиҳаларни яратиш, бўлажак муҳандиснинг лойиҳалаштириш фаолияти, педагогик лойиҳа концепцияларини ишлаб чиқиш, муаллифлик технологияларини яратиш, натижаларни кузатиш, лойиҳалаш ҳаракатларини рефлексиялаш ва коррекциялаш билан боғлиқлиги аниқланди.

2. Лойиҳалаштиришнинг назарий-методологик асослари талабаларда лойиҳалаш компетентлиги ривожлантириш юзасидан янгиликни яратиш, ўзлаштириш, амалиётда ривожлантириш, лойиҳалаштириш орқали амалга оширилишини лойиҳалаштириш ижодий фаоллик, рефлексия, мақсад ва воситаларни танлашни кўзда тутиши аниқланди.

3. Бўлажак муҳандисни лойиҳалаш фаолиятига тайёрлашнинг методологик (шахсий, компетентлик, фаолиятли, синергетик, махсус) ёндашувлар; тамойиллар (марказлаштириш, мослаштириш, проективлик, рефлексивлик, динамиклик ва интегративлик, индивидуаллик); мезонлар (мотивацияли, когнитив, технологик, креатив)ни ўз ичига олган модели такомиллаштирилди

4. Бўлажак муҳандисни ишлаб чиқариш соҳасида лойиҳалаш фаолиятига тайёрлаш бўйича муаммоли ва топшириқли ёндашувлар орқали янги шакл-концептни ишлаб чиқариш жараёнида ўз лойиҳаларини яратиш ва амалга оширишнинг усулларини эгаллашга эҳтиёжнинг акси сифатидаги мотивацияси ривожлантирилди.

5. Бўлажак муҳандисларнинг лойиҳалаш компетентлиги очиқ ҳамда интерфаол мулоқотни таъминловчи электрон таълим муҳитининг таркибий-функционал, контентли, технологик ва коммуникацион компонентларига булутли технологияларни қўллаш, вариацион ҳамда хусусийликдан умумийликка мослаштирилган индивидуал топшириқларни бажариш асосида такомиллаштирилган;

6. Бўлажак муҳандисларни лойиҳалаш фаолиятига тайёргарлигини такомиллаштириш ёши, шахсий хусусиятлари, бошланғич тайёргарлик даражаси, лойиҳалаш компетентлигини шакллантириш жараёнини индивидуаллаштиришга имкон берувчи фасилитацион таъсир траекторияси ўзгарган шароитларига адаптив мослаштириш асосида такомиллаштирилган;

7. Бўлажак муҳандисларнинг лойиҳалаш компетентлиги муаммоли-модулли ва фреймли педагогик технологиялар, эҳтиёжлар, қизиқиш, мақсад-

мотивациялар, кооперация, коллаборация ва рефлексия конструктивлиги даражаси асосида такомиллаштирилган;

8.Бўлажак муҳандисларнинг лойиҳалаш компетентлиги фанлараро горизонтал ва вертикал интеграцион ташкилий-бошқарув ва педагогик касбий фаолият турларига тайёрлаш методикаси тренаж тайёргарликда инновацион таълим технологияларини қўллаш ва дидактик мобил иловаларига иерархик уйғунлаштириш асосида такомиллаштирилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ № DSc.03/30.01. 2020.PED.26.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЁНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**ЭШОНКУЛОВ ШЕРЗОД УММАТОВИЧ**

**РАЗВИТИЕ КОМПЕТЕНТНОСТИ ПРОЕКТИРОВАНИЯ СТУДЕНТОВ В  
СРЕДЕ ЭЛЕКТРОННОГО ОБУЧЕНИЯ**

**13.00.06 – Теория и методика электронного образования**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент– 2022**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована по номером В2021.4.PhD/2935 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.**

Диссертация выполнена в Ташкенском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации размещен на трёх языках (русском, узбекском, английском (резюме)) на веб-странице samdu.uz Научного совета и на Информационно-образовательном портале Ziyonet ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Исянов Равиль Геннадиевич</b> кандидат педагогических наук, доцент
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Карлыбаева Гулжахан Ермекбаевна</b> доктор педагогических наук, доцент  <b>Маматов Дилмурод Нормуротович</b> доктор философии по педагогическим наукам (PhD), доцент
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Гулистанский государственный университет</b>

Защита диссертации состоится на заседании научного совета № DSc.03/30.01.2020.PED.26.01 присуждающий ученую степень доктора наук при Ташкенском государственном педагогическом университете \_\_\_\_\_ часов “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2022 года. (Адрес: 100185, г.Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом 27. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-76-51; e-mail: tdpu\_kengash@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Центре информационных ресурсов Ташкенского государственного педагогического университета (зарегистрирована под № \_\_\_\_\_). Адрес: 100185, г.Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом 27. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-76-51

Автореферат диссертации распространен “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2022 года.  
(протокол реестра под номером \_\_\_\_\_ от «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года).

**Б.С.Абдуллаева**  
Председатель научного совета по присуждению степени, д.п.н., профессор

**Р.М. Медетова**  
Секретарь научного совета по присуждению научной степени, д.п.н., доцент

**Н.А.Муслимов**  
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению научной степени, д.п.н., профессор

**ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**



**Актуальность и необходимость темы диссертации.** В новой концепции образования до 2030 года, принятой международными организациями и развитыми странами, признается, что «Образование – ключевой двигатель развития и важной деятельностью, обеспечивающей достижение целей устойчивого развития»<sup>3</sup>. Ведутся системные работы по реализации масштабных проектов по качественному образованию, высокому уровню проектной компетентности обучающихся, созданию электронных информационно-образовательных ресурсов, выявлению перспективных направлений моделирования образовательного процесса, совершенствованию современных педагогических и информационно-коммуникационных технологий.

Ведутся научные исследования направленные на развитие проектной компетенции студентов в системе глобального образования в электронной образовательной среде, расширение современных технологических знаний будущих специалистов, развитие проектной деятельности на основе информационных технологий (оптические эффекты, 3D-тренажеры), широкое использование дистанционного обучения, открытые образовательные ресурсы, смешанное обучение (онлайн/офлайн) развитие технологий. Вместе с тем особое внимание уделяется научным исследованиям по использованию акмеологического и аксиологического подходов будущих инженеров, повышению проектной компетентности, использованию синергетических возможностей для саморазвития, научным исследованиям по квантованию интернет-технологий.

В последние годы в нашей республике создается нормативно-правовая база для развития проектной компетентности студентов, активного общения со сверстниками за рубежом в области науки, культуры, предпринимательства, спорта и других сферах, демонстрации своего потенциала в мировом масштабе. «Продолжение политики подготовки высококвалифицированных кадров с учетом современных потребностей рынка труда»<sup>4</sup> было определено как приоритетная задача. В результате еще больше расширились педагогические возможности развития проектной компетентности будущих инженеров в электронной образовательной среде технических вузов.

Указ Президента Республики Узбекистан № ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан», ПФ-5847 от 8 октября 2019 года «О мерах по дальнейшему развитию высшего образования системы Республики Узбекистан», 2018 г. 5 № ПЗ-3775 от 20 июня 2017 г. «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших учебных заведениях и обеспечению их активного участия в проводимых в стране комплексных реформах», № ПП-2909 от 20 апреля 2017 г. Постановление «О мерах по утверждению Концепции развития системы высшего образования

---

<sup>3</sup>Incheon Declaration / Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all. – p.4-5. <http://unesdoc.unesco.org/images/0023/002338/233813m.pdf>.

<sup>4</sup> O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi Farmoni.// O'zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari to'plami. – T., 2017. B.39

Республики Узбекистан до 2030 года», а также данное диссертационное исследование в определенной мере служит выполнению задач, изложенных в других нормативных актах, касающихся данной деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики.** Данная исследовательская работа выполнена в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики I. «Пути формирования и реализации системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном и образовательном развитии информированного общества и демократического государства».

**Степень изученности проблемы.** По формированию профессиональной компетенции будущих инженеров на основе общеобразовательных дисциплин, в том числе проектной компетенции в электронной среде обучения проводили научные исследования А.Абдукодиров, М.Арипов, У.Бегимкулов, Р.Х.Джураев, Ф.М.Закирова, Г.Н.Ибрагимова, З.К.Исмаилова, Р.Г.Исянов, У.И.Иноят, Н.А.Муслимов, К.Т.Олимов, А.Р.Ходжабоев, Ш.С.Шарипов, М.Б.Уразова, О.Тўракулов, Н.И.Тайлаков, Р.Д.Шодиев, Ш.Э.Курбоновы

В странах СНГ проблемы информатизации образования, применения информационных и коммуникационных технологий в образовательной практике были исследованы такими учеными, как А.А.Андреев, И.Г.Захарова, Е.С.Полат, И.В.Роберт, А.В.Хуторской, А.В.Тараканов, Э.В.Майков, Н.И.Наумкин, М.В.Солодихина Л.Р.Загитова, Л.В.Медведева, Л.Х.Чомаева, В.А.Шершнева.

Такие учёные из зарубежных стран как В.Andresen, M.Burns, U.Mangal, M.Henderson, G.Romeo, C.Ramesh, F.Raymond, M.Rosenberg, S.Mishra, T.Muras, T.Vaughan, W.N.Chambers, E.L.Cowen, E.Johnson, J.M.Spector, J.Locard, D.Kegan, G.Kulanthaivel и другие вели научные искания.

**Связь темы исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнено диссертация.** Диссертационное исследование выполнено в рамках практического проекта №А-1-23 Научно-исследовательского плана Ташкентского государственного педагогического университета на тему «Создание комплекта мультимедийных разработок занятий для учителей начальных классов» (2015-2017 годы).

